

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

37 Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг
қилиш тартибига ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
25 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 485-1*

(2012 йил 4 февралдан кучга киради)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 63-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПҚ–1293-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 67-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 42-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 182-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан 1998 йил 18 августда 26-сон билан тасдиқланган Корхоналарнинг санацияси жараёнини мо-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

ниторинг қилиш тартибига (рўйхат рақами 485, 1998 йил 28 август) иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в. б.

У. ТУРДИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 январь,
1-сон